

ЖАЛК СУЗИ

Газета 1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган.



Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг газетаси

8 СЕНТЯБРЬ, СЕШАНБА № 175 (426).
1992 йил
Соғувада эркин нархда

**ҚОНУНИЙЛИК ВА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ ТАНТАНА ҚИЛМАСА, ШАХСНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ, ҚАТТИҚ ИНТИЗОМ, ИЧКИ УЮШҚОҚЛИК
ВА МАЪСУЛИЯТ УСТИВОР БЎЛМАСА, ҚОНУНЛАР ВА АНЪАНАЛАР ҲУРМАТ ҚИЛИНМАСА, ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТНИ ТАСАВВУР ЭТИБ БЎЛМАЙДИ**

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов 7 сентябрь кунини Тошкентда журналистлар билан учрашди. Учрашувга республика оммавий ахборот воситаларининг намояндлари, шунингдек бошқа давлатлардаги нашрлар-

нинг Ўзбекистондаги мухбирлари таклиф этилди. Республика Президенти Тожикистон Республикасидаги воқеалар хусусида Ўзбекистон раҳбариятининг фикрини баён қилиб берди, журналистларнинг саволларига жавоб қайтарди (ЎзА).

Ислоҳ КАРИМОВ: ҚОНУН УСТИВОР БЎЛИШИ КЕРАК

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯ КОМИССИЯСИНИНГ
МАЖЛИСИ

5 сентябрь кунини Президент девонида Ўзбекистон Республикаси Конституция комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда Республика Олий Кенгаши қонунчилик қўшма бўлими раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, ҳалқ депутатлари, вазирлар ва идораларнинг, ҳуқуқ-тартибот органларининг раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, мутахассислар иштирок этдилар.

Мажлисини Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. М. Иўдошев бошқарди.

Мажлисада «Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси лойиҳаси тўғрисида» деган масала муҳокама этилди. Конституция лойиҳасини тайёрлаш ишчи гуруҳининг бошлиғи, республика Конституцион назорат комитетининг раиси Ш. Ғулаевнинг шу ҳақдаги ахбороти тингланди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституция комиссиясининг Утган йил апрелдаги биринчи мажлисида ўлкада конституциявий ислоҳот зарурлиги айтилган эди. Конституция комиссияси раиси, Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов бошқарган ана шу мажлисада Ўзбекистоннинг янги Конституцияси лойиҳасини яратиш вазифаси қўйилган эди. Унинг учун ҳужжат лойиҳасини тайёрловчи ишчи гуруҳи тuzилган эди.

Мана, орадан қарий бир ярим йилча вақт ўтди. Шу давр мобайнида янги Конституция лойиҳасини ишлаб чиқиш соҳасида жуда катта иш бажарилди, Ўзбекистонда давлатчиликни ривожлантиришнинг тарихий тажрибаси чуқур ва ҳар томонлама ўрганилди, миллий психология ва анъаналар атрофида таҳлил этилди.

Мажлисада бу муҳим сиёсий ҳужжатни тайёрлашга Президентимиз И. А. Каримов катта эътибор бераётгани, бошқарининг президентлик шакли асосий қонунда акс эттирилиши мақсадга мувофиқ экани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Қонунийлик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетининг раиси Э. Ҳалилов, Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг директори А. Саидов ва бошқалар конституция лойиҳаси юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Мажлисада И. А. Каримов сўзга чиқиб, янги Конституциянинг аҳамиятига алоҳида тўхтади. Конституция, — деди у, — биринчидан, давлатни бошқариш учун керак. Иккинчидан эса, Конституция халқни тартиб-интизом асосида фаровонликка олиб чиқишга, ўлкада тинч ва оқойишта ҳаётни таъминлашга хизмат қилиши зарур. Биз қуражак халқчил ҳуқуқий давлатда қонуни ҳақиқатга устивор бўлади.

Лойиҳани тайёрлашда чет эллардаги конституциявий дурлиш тажрибаси, айниқса, тарихи, турмуш тарзи, миллий-маънавий ва маданий хусусиятларига кўра Ўзбекистонга яқин мамлакатларнинг тажрибаси эътиборга олинди. АҚШ, Франция, Италия, Хиндистон, Германия Федератив Республикаси, Туркия, Португалия, Швеция, Греция, Мадагаскар, Покистон каби давлатларнинг Конституциялари, инсон ҳуқуқлари айтиш декларацияси ҳақида бошқа халқаро ҳудудий ҳужжатлар батафсил ўрганилди.

Мажлисада Ш. Ғулаев бошчилигида Ўзбекистон Республикаси янги Конституцияси лойиҳасини узил-кесил пухта ишлаб чиқувчи ишчи гуруҳи тuzилиб, билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифларни ҳисобга олган ҳолда, лойиҳани уч кун муддатда умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилини тоширилди.

Ўзбекистон Президенти мажлис қатнашчиларини Тожикистонда содир бўлаётган воқеалардан хабардор қилди. Минтақада сиёсий вазият кундан-кун кескин тус олмақда, кўп одамларнинг ҳаёти хавф остида қолмоқда. Туртдан бир қисмидан кўпроги ўзбеклардан иборат қўшни жумҳурият халқининг тақдирини бизни бефарқ қолдиролмайди.

Иккинчилар Ўзбекистон Президенти ва ҳукумати-нинг республикада оқойишталанини сақлаш, минтақада хавф-хатар ўчоқларига тезроқ барҳам бериш йўли-даги саъй-ҳаракатларини қизғин маъқулладилар.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

Жаноби олийлари,

Бирлашган Миллатлар Ташкилати Сизнинг раҳбарлигингиз остида халқлар ва мамлакатлар ўртасида тинчлик ҳамда тугъилиш мустақамлаш борасида қилнаётган жуда кўп ишлар учун самимий эҳтиром ва миннатдорчилик сўзлари билан муносабат этишга мушаррафман.

Шу муносабат билан дунёнинг аҳоли энг зич яшайдиган минтақаларидан бири — Урта Осиёда гоёт кескинлашган вазиятга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Жаҳон маърифатининг шу қадимий воҳасида яшовчи халқлар бой тарихга эга эканликлари сизга яхши маълум. Уларнинг маънавий томирлари, маданий анъаналари ва урф-одатлари азиздан бир-бирига чирмашиб кетган, уларнинг инсоний алоқалари ва тақдирлари, диний қадриятлари ва миллий ютуқлари муштаракдир.

Энг муҳими — асрлар давомида Урта Осиёда одамлар ва халқларнинг борлиқ тарихий ўтиши чамбарчас боғлиқ, қондош-жондош бирликка айланган, улар ўртасида суъий равишда қўйилмаётган айирмачилик тусқиларини одамлар ва халқлар руҳий жиҳатдан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам маъбул кўрмайдилар.

Шуни назарда тутиш кераки, бу ердаги одамлар

ва халқларнинг катта гуруҳлари ўзаро муносабатларидаги ҳар қандай қарама-қаршилик, тўғнашув ва зиддиятлар қайси жойда содир бўлмасин, бутун минтақа учун бениҳоя ҳалоқатли оқибатларга сабаб бўлган.

Қардош Тожикистонда содир бўлаётган воқеаларни ўлкаимизнинг 50 миллион аҳолиси мана, ярим йилдан буён катта фалокатни сезгандек, ташвишланиб, изтироб билан кузатиб турибди. Тожикистонда жанглар тўхтамапти, доимо ўқ овозлари эшитилапти. Турли сиёсий кучлар ва гуруҳлар ўртасидаги кескинлик ҳамда қарама-қаршилик кун сайин кучаймоқда. Бегуноҳ гўдаклар, аёллар, қариялар, оддий фуқаролар тобора кўпроқ ҳалок бўлмоқдалар. Оз сонли миллатларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузиш ҳамда қаттиқ биродарқушлик тўғнашувлари давом этаётган туманлардаги турли миллатларга мансуб қо-

чоқлар кўпаймоқда. Улар бошқа мамлакатлардан паноҳ излашга мажбур бўлмоқдалар.

Ҳозирги пайтда Тожикистонда расмий давлат идоралари ҳокимиятдан маҳрум этилган. Конституциявий тўзум, демократик ислохотлар имконияти хавф остида қолди. Бу ердаги фуқаролар ва миллатларнинг бир-бирига қарама-қарши туриши тартибсизлик ва бошбошдоқлик билан бутун минтақага ёйилиш хавфи пайдо бўлди.

Қўшни давлатларнинг бевосита иштироки ва кўмаги билан Тожикистонга замонавий қурол-яроғ ҳамда ўлдори юрбони турилганлиги эса, Урта Осиёдаги барча халқларни тобора ташвишга солмоқда.

Тожикистон халқининг ўз ички ишларини ўз хоҳишича ҳал этиш ва ўз тақдирини белгилашдан иборат суверен ҳуқуқи табиий ва дахлсиздир. Бироқ қардош республиканинг мардона, меҳнатсевар ва афсуски

жафокаш халқи ўз дахлсиз ҳуқуқини рўёга чиқариши учун қулай ташқи шароит яратилиши керак. Аввало минтақага жанговар қурол келтирилишини тўхтатиш лозим.

Мана шундай шароитда Урта Осиё давлатларининг ҳозирги мавжуд чегараларини ва ҳудудий аҳлининг сақлаб қолиш масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Шу нарса равишан бўлмоғи керак — Тожикистоннинг қўшни мамлакатлар билан белгиланган чегаралари аниқ вақтда Урта Осиё давлатларининг ҳам дахлсиз чегараларидир. Бу чегараларни бузиш йўлидаги ҳар қандай уринишлар мазкур ўлкада яшовчи барча халқларнинг сиёсий манфаатларига, миллий хавфсизлигига ва ҳудудий аҳлининг солинган ялли дағдаға бўлади ва БМТ низомида ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бағишланган кенгашининг яқунловчи ҳужжатида ёзиб

қўйилган қондаларга зиддир.

Тожикистон халқлари бутун Урта Осиёдаги ўз оғанилари, қон-қардош халқлар билан сиёсий, иқтисодий, маънавий жиҳатдан, ниҳоят миллий насл-насаб жиҳатидан ҳам мингларча ришталар билан чамбарчас, абадул-абад боғлиқдирлар.

Минг афсус билан шунини қайд этамизки, минтақамизда миллий адоват, сиёсий ва фуқаролар қарама-қаршилиги уруғини сочиб, жанжал чиқаришни истайдиган ташқи кучлар бор. Жаноби олийлари, БМТ ҳамжамиятининг диққат-эътиборини Тожикистон ички ишларига аралашинга йўл қўймасликка қаратади, деб умид қилишга руҳсат этгайсиз. Барча можаролар

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
Ислоҳ КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,
1992 йил 7 сентябрь.

ва муаммоларни фақат сиёсий йўл билан ҳал этиш лозим. Урта Осиё жаҳон харитасидаги яна бир кескинлик чиққан жой бўлмаслиги керак, одамларни қурбон қилувчи навбатдаги аланга ловуллаб ёнмаслиги лозим, бошқа давлатларнинг жуғрофий-сиёсий найранглари макони бўлмаслиги керак.

Бош котиб жаноблари, мазкур минтақадаги вазиятни барқарорлаштириш ва мустақам тинчлик ўрнатилиши учун мўтабар ташкилотнинг номидан ҳақиқий аҳолини ўрганиш ҳамда зарур чораларни кўриш мақсадида дарҳол БМТнинг махсус комиссиясини юборишингизни сиздан ўтиниб сураймиз.

Халқаро ҳамжамият ўз вақтида кўрсатадиган таъсирчан ёрдам ёш мустақил давлатларимизда бошланган демократиялаш, сиёсий ва иқтисодий ислохотлар жарафини қўллаб-қувватлайдиган муҳим омил бўлур эди.

Яна бир бор эътиромимни қабул этгайсиз.

Камоли ҳурмат билан

ҲОРМАНГ, ЗАДАРЕЛИКЛАР!

ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИНИНГ ТУРМУШ ДАРАҲАСИ ҚИШЛОҚ АҲЛИНИНГ ФАВОНЛИГИГА, УЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ШИЖОАТИГА БОҒЛИҚ ДЕҲҚОН ТУҚ БУЛСА, БУТУН РЕСПУБЛИКА ҲАМ БАДАВЛАТ БУЛАДИ.



ТУЙ-ТУЙГА УЛАНДИ — ЗАДАРЕ РАЙОНИНИНГ 40 ЙИЛЛИК ТАВАЛЛУД ТАНТАНАСИ ОНА ЎЗБЕКИСТОНИМИЗНИНГ МУСТАҚИЛ-ЛИК ШОДИЕНАСИГА ҚУШИЛИБ КЕТДИ.

Муҳтарам задареликлар! Сизларнинг қўтулуғ туғин-гиз муқаддас Ватанимизнинг бир йиллик тантанасига эш бўлди, қоришиб кетди. Ҳар бирингизда руҳий тетиклик, байрамона қаҳқаҳа. Худди шундай бўлиши, тўй-тўйдай ўтиши керак-да, ахир! Сиз ҳақингизда ўйлаганимизда шонингиз «Бизлар ишлаймиз, бу меҳнат ҳол-лос», деган мисралари ёдига келади. Негаки, Сиз илк бор чўлга от солгансиз. Кўм барханлари уюлиб ётган, сароб жимирлаб турган, шўр туз тупроқ юзини тўсиб қўйган заминга ҳужум қилдингиз. Бу жойни авлодлар

«қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куйди» деб таъриф-лашмасмиди... Илк ҳужумкорларга Тур-суни Турдиз бош бўлди. У энди Тошкент фирқа мактабига кирган эди. Чўлда район ташкил этиш ҳақида фармон чиқди. Ҳали ўқини тугатмаган йигитни ча-қириб олиб, биринчи котиб этиб сайлашди. Турсуноб ака ортдан одамлар эргаш-ди. У Сизлар, Сизларнинг ака-опаларингиз эди. Бу ер-ни карталаштириш осон ке-чмади. Ушанда экин бўлади-ган ерлардагина одамлар муқим истиқомат қила бош-

ладилар. Улар ёнида қавм-қариндошлари кўпайди. Чўлни ўзлаштириш Сиз-ларнинг авлод зиммасига тушди. «Емон ер бўлмайди, ёмон деҳқон бўлиши мум-кин», деганда Меҳнат Қа-ҳрамонлари Ориғноб ака Хусанов ва Лим-Мен Гик ҳақ эдилар. Районга илк бор ани таратган — республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Хўжаали Деҳқонов меҳнати-дан сўзлайми? Кенсалик гаптинги сураётган Меҳнат Қаҳрамонлари Турсуноб Турдиев, Ҳожибой Тошбоев-лар бугун ҳам сафдалар. Республикада хизмат кўр-сатган механизатор Абдуса-лом Қодиров, Давлат муко-фоти соҳиб Абдуваҳоб Тур-ғуновлар номи, меҳнати ар-доққа дахлдор. Улар ортида-ги юзлаб-мигларча қадқ қўл-ли оддий одамлар ҳақида ҳикоя қилайми? Ҳамама куч ва ресурслар-га жон киритган Сенинг омилдор халқинг эди. Агар 40 йил олдин районда бор-йў-ги олтига «Универсал», 12 та «ХТЗ» бўлса, ҳозирда юзлаб қудратли техника во-ситалари билан катта фойда олиномоқда. Бултур ноҳияда 189,4 миллион сум даромад қилинди. 43 миллион сум соф фойда олинди, Нефть қони атрофидаги қишлоқ аҳолиси фаворадан кўп зарар кўрган бўлса-да, бугун уларнинг қувончи ке-сиз. Олис қишлоқ — Чор-донага ҳам табиий газ келди. «Тўй кетидан тўй келар», деб эл бежиз айтмаган экан. Сизлар Ўзбекистон Муста-қиллигини беҳад зўр шодие-на билан нишонладингиз. Унга районинг 40 йиллик тўйи уланиб кетди. Ке-ча тонг пайти соат роппа-роса туртда Қўшиқчида шифо-бахш «шўрув» чиқди. У 2225 метр чуқурликдан ўз-ўзидан отилди. Дастлабки пайтда унинг ҳарорати 39 даража бўлса, иссиқлиги кун

Раҳим ИРСОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Меттиқул одиқулларни Қорақалпоғистон

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРОҒИ ОСТИДА

Ўбining АШИРБЕКОВ, Қорақалпоғистон Олий Кенгаши Раиси.

Бундан бир йил муқаддам Республикамизнинг мустақилликка эришганлиги Ўзбекистон халқлари тарихида олтин ҳарфлар билан ёзиб қўйилган катта тарихий воқеа бўлди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси жаҳоншумул обрў-эътиборга эга бўлган мустақил давлат, у Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзоликка қабул қилинди, уни дунёнинг 120 дан зиёд мамлакатлари таниди. Ўзбекистон билан биргаликда Қорақалпоғистон Жумҳурияти ҳам мустақилликка эришганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Чунки Ўзбекистон Республикаси Асосий Қонунининг 17-бандида: «Ўзбекистон Республикаси Қорақалпоғистон Жумҳуриятининг мустақиллигини ва тарихий бутунлигини таниди», деб ёзилган. Бу сатрлар Қорақалпоғистон халқининг умидлари, асрий орзу-армонлари ҳам ушалаётганидан далолатдир.

Ҳозирги вақтда Қорақалпоғистон Жумҳурияти сиёсий мустақиллик нишонларини аён сезмоқда. Шу кунларда жумҳуриятнинг янги Конституцияси — Асосий Қонун лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда. «Ер тўғрисида», «Хусусий мулк тўғрисида», «Давлат тили тўғрисида», «Табиат бойлиқларидан оқилона фойдаланиш тўғрисида» ва бошқа кўпгина муҳим қонунлар Қорақалпоғистон Жумҳуриятининг табиий, иқтисодий, маданий ва маънавий бойлигини бевосита жумҳурият фуқаролари манфаати учун фойдаланишга асос солмоқда.

Халқимиз мустақиллик шарофати туйғули эркин нафас олиб, эътиборини ўзига танимоқда. Тараққиёт йўлида кўп тўқнашларга учраган, унутилиб кетмаган миллий анъаналаримиз, урф-одатларимиз қайта тикланмоқда, ҳар бир халқнинг қад-қиммати орномуси ўз ўрнига қўйилмоқда.

Қорақалпоғистон сўнгги 70 йил ичида асосан деҳқончилик билан шуғулланиб, хом-ашё етиштирувчи ўлка бўлиб келди. Ҳозирги пайтда иқтисодимизни мустақамлаш учун бугунги давр талабига мувофиқ кичик корхоналар қуриб, жаҳон бозорига харидорлар маҳсулотлар чиқариш учун ҳар томонлама ёрдамга муҳтожмиз.

Советлар Иттифоқи нураб кетган, сиёсий-иқтисодий қийинчиликка тушиб қолганимиз аён. Мана шу сиёсий-иқтисодий инқироздан чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Кенгаш ва Вазирлар Маҳкамаси бир қанча муҳим тadbирларни амалга ошир-

моқда. Яқинда Қорақалпоғистон Жумҳурияти ташқи алоқалар вазирлиги ташкил этилди. Туркиянинг «Яксек» фирмаси билан ҳамкорликда Нукусда пахта газламасини ишлаб чиқарувчи йирик энгил саноат корхонаси қурилиши бошлаб юборилди. Туркиялик дўстларимиз жумҳуриятимиз иқтисодини мустақамлаш учун етук кадрлар тайёрлашга ёрдамлашмоқда. Яқинда бир гуруҳ ёшларимиз Туркияда таълим-тарбия олиб қайтиш учун януб кетишди. Айни кунда бошқа яна бир қанча иқтисодий лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда.

Нукус кабель заводи, Хўжайлидаги шиша идишлар заводи, шунингдек, кальцийли сода ва инфузияли эритмалар заводи шулар жумласидандир. Яқинда Урта Осиё темир йўлининг Орол бўйи бўлими тuzилди, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Қорақалпоғистон филиали алоҳида бўлим қилиниб, қайтадан ташкил этилди. Ўзбекистон давлат аграр-иқтисодий дорилфунунининг Қорақалпоғистон филиали очилди.

Шу йил бошида бўлиб ўтган табиий оғат оқибатларини тугатиш учун Ўзбекистон ҳукумати энгил шартлар билан 350 миллион сўмлик кредит ажратиб берди. Шунингдек, Қорақалпоғистоннинг иқтисодий, иқтисодий ва маданий ривожланиши йўлидаги долзарб муаммоларни ҳал қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон ҳукуматининг қарори қабул қилиниши арафасида. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Халқимизда «Нимнинг дўсти, кимнинг душманлиги бошга иш тушганда билинади» деган аjoyиб нақл бор. Ҳозирги қийин шароитларда курсатаётган катта ғамхўрлиги учун Қорақалпоғистон Жумҳурияти Олий Кенгаши депутатлари, бутун меҳнаткашлар номидан Ўзбекистон ҳукуматига чуқур миннатдорчилик билдирамыз. Бизнинг кучимиз дўстликда, аҳадиқадир. Қорақалпоғ, қозоқ, туркман ва бошқа халқлар қадим тупроқда кўп асрлардан буюн бирга оила қуриб, тотув муносабатда бўлиб, баҳамжиҳат яшаб келмоқдалар.

Ҳозир Қорақалпоғистонда 80 дан зиёд миллат вакиллари бир оила фарзандларидек тинч-тотув ҳаёт кечириб, меҳнат қилмоқдалар. Улар жорий йилда саноатда, қишлоқ хўжалигида, умуман иқтисодийнинг барча соҳаларида катта ютуқларга эришиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

ҚўШХАБАР

ТУҲФА

«Билим» нашриёти жамоаси қорақалпоғистонлик ўқувчиларга Мустақиллик байрами олдидан аjoyиб совға тайёрлади: миллий мактабларнинг битирувчи синф ўқувчилари учун «Қорақалпоғ адабиёти» хрестоматияси chop этилди. Хрестоматия мактабда адабиёт ўқитишнинг энг замонавий талаблари асосида тuzилган. Унда Қорақалпоғ адабиётининг Ибройим Юсуфов, Туларберган Қайибберганов, Шондирбой Сейтов, Туларберган Матмуродов ва бошқа бир қанча атоқли намоёндаларининг асарлари киритилган.

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

Нукус районидagi «Нукус» жамоа хўжалиги ижарачилари Мустақиллик байрамини меҳнатда зўр ютуқлар билан кутиб олмоқдалар.

— Биз бу қутлуғ айёмга йил бошидан бери тайёрлик кўрмоқдамиз. Меҳнатларимиз зое кетмаганидан айниқса бошимиз осмонда, — дейди ижарачи Тиловбой Эшпизов, — мана, ярим гектар ерда 7 тонна қарам, шунча майдондан етти ярим тонна сабзи ва ўн тонна помидор ҳамда бошқа сабабот ва полиз маҳсулотлари етиштирдим.

Жумахон Сайимова бир гектар ерда 14 тонна қарам, Жақслиқ Ережоев ярим гектар майдондан 6,5 тонна қарам тайёрлаб, байрамга муносиб совғалар ҳозирладилар.



Нукус районидagi «Коммунизм» давлат хўжалиги илгор ишчиси Аноргул Сарсенбоева.



Беруний райони Маданият уйи қошида ташкил этилган «Нафосат» ашула ва раёс ансамбли қатнашчилари Турсунбой Иудожев ва Санобар Сафарбоевалар.

ОРОЛБҲЙИ ЯНГИЛИКЛАРИ

ҚОЗОҚ МАДАНИЙ МАРКАЗИ

Жумҳуриятимизнинг ҳар бир бурчагида яшаб, меҳнат қилаётган ҳар бир миллат вакиллари ўз миллий хусусиятларини урф-одати ва анъаналарини, тилини тўла сақлаб қолиши учун жойларда турли миллатларнинг миллий маданий марказлари тuzилмоқда.

Яқинда Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ районида ҳам қозоқларнинг ана шундай миллий маданий маркази тuzилди. Район марказий шифохонаси нарқолоғ врач О. Эсирганов ана шу марказ бошқаруви раиси қилиб сайланди. Анжуманда жумҳурият қозоқ миллий маданий маркази раисининг биринчи муовини Қ. Қўнисбоев қатнашиб, марказнинг фаолият йўналиши, сарф-ҳаражатлари, мақсади ва вазифалари ҳақида тuzиштарди.

ВЕНГРИЯ АГРЕГАТИ — УЧСОЙДА

Орол фоймаси жабрдидалари дегади энг аввало кўз олдимизга Мўйноқ району алоҳида келади. Дегадиз энг яқин жойлашган бу район аҳолисининг турмуш таринин ҳар томонлама яхшилаш йўлида бир қанча тadbирлар амалга оширилмоқда.

Учсой аҳоли пункти қошида яқинда мадал суръатлар билан бошланган 2600 — МА сув тозалаш агрегати қурилиши аяқланиши арафасида. Орол фонди Венгриядан келтирилган бу агрегат буюртмачиси — баллиқ саноати Мўйноқ ишлаб чиқариш бирлашмаси ва «Учсой» баллиқ заводидир. Маэкур агрегат суткасига 5 тонна, минутига эса 3,8 литр сув тозалаш чиқаради.

Бундай агрегатлар тез кунлар ичида районнинг бошқа жойларида ҳам қурилиши кўзда тутилган.

МУЙНОҚДАН ТУРКИЙГА

Бозор муносабати шароитларида халқ хўжалигини ривожлантириш учун зарур бўлган касбларни ўзлаштириш мақсадида Қорақалпоғистон ёшларини чет элга ўқитишга қўйилган — бу Туркия ва мустақил Ўзбекистон Президентлари низо чеккан шартнома ва битимлар натижасидир. Бу йил Қорақалпоғистондан 26 нафар ўспирин Туркиянинг олий ўқув юрталарига бориб таълим олиш учун синовларда қатнашишди. Шулардан 9 кишига омад қилиб берди.

Улар орасида мўйноқлик Озод Рамотов ҳам бор. Озод Мўйноқ шахаридagi Шевченко номи улга мактабин олтин медал билан битказди. У давлат, шахар, суғра жумҳурият миёнада улказилган илтиҳонлардан, тест синовларидан муваффақиятли ўтди.

Орауни, Истанбул дорилфунунда етарли билим ва малада эгаллаб қайтиб, Орол фоймаси туйғули ҳар томонлама қийинлашган юртдошларини хўжаликка қамарбаста бўлиши — дейди сафар тадорининг қўраётган Озод Рамотов.

«ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН МУАЛЛИМИ»

Қорақалпоғистонда яна бир янги наир — жумҳурият муаллимлари ва талаба ёшларининг илмий-маърифий, методик-педагогик тик ойнамаси — «Қорақалпоғистон муаллими»нинг дастлабни сони босмадан чиқди. Унда «миллий мактаб муаммолари» рукини остида «Билимлик ва хунарликлик келажакнинг калити», «Ленинни қўйламаган ким бор, ёки Қорақалпоғ адабиёти тарихини қандай ўқитиш керак?», «Атамалар чалқашлиги... топонимика фани илмларини ўргатади?» сингари қизиқарли материаллар, шунингдек, Ўлжас Сулеймоновнинг машҳур «Азия» асари ва бошқа ўқинишли мақолалар бритаган.

Ушбу саҳифани тайёрлаган «Халқ сўзининг» Қорақалпоғистондаги муъбирини М. Акмедовнинг илтимосига мувофиқ қалам ҳақи газетанинг обуна фондига ўтказилди.



Бўзатов районидagi яқинда қуриб битказилган шифохона район меҳнаткашлари ҳаётида катта воқеа бўлди. Район марказида жойлашган, 150 хонали шифохона ва ҳар кун 200 беморни қабул қилувчи поликлиника биноси жумҳуриятда энг замонавий ва катта муолажа даргоҳларидан ҳисобланади.

СУРАТЛАРДА: 1). Шифохонанинг очилиш маросимидан бир лаҳза. 2). Шифохона бош врач Жондулла Ҳабибуллаев (ўртада) шифокорлар билан.

ҚОРАҚАЛПОҒ ХАЛҚИ ҲИҚМАТЛАРИ, ИРИМЛАРИ

- Ортиб қолган овқатни тўқмоқчи ёки ит ялогига қўймоқчи бўлсангиз, уни қозон билан оборит тўкиш мумкин эмас. Бошқа бир идишга қўйиб, чиқариб тўкиш керак. Акс ҳолда, хонадоннинг ризқи кетади, тўкилади, деб ҳисоблашади.
- Учоққа ёқиш учун киргизилган ўтиннинг ортиб қолгани ташқарига чиқарилмайди. Унинг ўти ўчади (хўжалик қурайди) деб ирим қилишади.
- Агар пиёла бехосдан синса, бу бахтдан нишондир.
- Бирор жойга бориб, касалланиб қайтган киши, шунингдек, туғруқхонадан гўдак билан қайтган она уй остонасида гулхан ёқиб, ўтдан ҳатлаб киргани маъқул.
- Уйга киратиб, остонада йиқилган кишининг оғзига мой суртилади.
- Урта бармоққа узук тақиб — яхшилик аломати эмас.
- Сут-қатиқ солиб келтирилган идиш эгасига бўш қайтарилмайди.
- Тунда, шунингдек, уй ичида тириқ олинмайди.
- Яқинда кўзи ёриган аёл уйда ёлғиз қолдирилмайди.
- Аёл киши тунда сувга бориши мумкин эмас.
- Уйга югуриб кириш — яхшилик аломати эмас.
- Қиз бола остонада ўтирмаглиги лозим.
- Қизамик билан оғриган бола хузурига бегона одам киритилмайди. Агар уйда қизамик билан оғриган одам бўлса, ташқи эшикка пахта илиб қўйилади. (белги сифатида).
- Уй ёнида ҳаққа сайрасай меҳмон келишидан дарак.
- Супургини тиклаб қўйиш мумкин эмас.
- Оила бошқа жойга кўчиб кетаётганида супурги қолдириб кетилади.
- Кун ботиши олдидан ухламаслик керак.
- Тили чиқмаган болани уйда ёлғиз ташлаб кетилмайди.
- Эски ташландиқ ҳужрада ухлаш мумкин эмас.
- Янги тушган нелинчак қирқ кунгача тунда ёлғиз ташқарига чиқмаслиги керак.
- Тунда дағанди сув ёки кул тўкилмайди.
- Молни уриш, тегиш мумкин эмас.

Ушбу ёдгорлик Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган мўйноқлик йигитлар хотирасига Орол дегаиз бўйида тикланган эди. Илгари мавж уриб тошган дегаиз бўйида ярашиб турган бу ёдгорлик эндиликда худди онасидан айрилган бутаддай ёлғиз, мунгайиб қолган. Беш юлдуз қанчалик юксакдан назар солса ҳам энди дегаизни кўра олмайдди. У тобора йироқлаб кетаяпти.

Шукурбой СИФАТДИНОВ олган сураг.



ИЛТИЖО

— Ҳаж сафаридан жуда хурсандман. Арабларнинг расм-русумларини кўриб, ҳайратда қолсам, киши, ўғрили, ичкилик, порохурилик, напавандлик каби нопокликлар тамоман йўқ. Бу давлат ва халқнинг бахт-саодати, осойишталиги, ҳалоллик ва поклиқнинг рамидир. Дукондорлар ташқарига қимматбаҳо молларни осиб қўйиб, ўзлари ичкарида савдо қиладилар. Азон қақрилса, дукондорлар пардани тушириб, масжидга чошилади. Оллоҳ ва унинг пайғамбарлари Мухаммад Алайҳиссалом номи билан таъвоф қилиб юришларини кўриб, Исламнинг куч-қудратига тасанно, демай илоқи йўқ кишининг. Бундай мўъжиза бошқа динларга мансуб бўлмаса керак. Каъба-туллоҳ атрофида қурилган икки қаватли ҳашаматли

ларимизни юртдошларимизни йўлаб, улар орасидаги муҳтожлар ва етим-есирларга, аҳсоллар қилишимиз лозим. Беморларни, кескаларни йўлаб бориб, уларнинг кўнглиларини кўтариш энг эзгу ишдир. Фурат ва имкониятлардан фойдаланиб, барчангизни мустақиллик байрамга ила табриклияман. Макна мунараммада ҳам, Сиз азиз юртдошларимиз бахтли-саодатли кунлар туладим. Менинг шундай муқаддас сафар бахтига мушарраф бўлишимга ҳисса қўшган, ой бориб омон қайтишимни тилаган барча кишиларга таъзим қиламан.

Ҳалима ая МАТНИЕЗОВА, Қорақалпоғистонлик ҳожи она.

СУРАТДА: Ҳалима Матниевова (ўртада) юртдошлари даврасида.

15 КУНДА 150 МУТАХАССИС


Қорақалпоғистон мактабларида ҳам эндиликда турк тили ўқув дастурига киритилди. Яқинда жумҳурият муаллимлар мажлисини ошириш олий илмгоҳи қошида турк тилини ўргатиш

бўйича махсус курс очилган эди. Бу курснинг дастлабки тингловчилари шахар ва қишлоқлардан келган 150 нафар ўқитувчилар бўлди. Улар гоят қисқа муддатда — 15 кун

ичида турк тилини пухта эгалладилар. Машгулотларини Истанбул дорилфунунда таълим олган, туркилик педагог-методист Халил Иброҳим Оқтош олиб борди.

Хўжайли районидagi «Дўстлик» жамоа хўжалигида жойлашган мана бу файзли чойхона ҳамиша одамлар билан гавжум.

Омон МУРОДОВ олган сураглар.



УСМИР УЙЛАРИ МИЛЛИЙЛИК

Мустақиллик ҳақида ўйлар эканман, энг аввало кўз олдимга мустақил жумҳуриятдаги ҳар бир халқнинг миллий қиёфаси келади. Минг шукурки, мустақиллик шарофати билан ота-болаларимиздан мерос бўлиб қолган, сўнгги даврларда унутлиб кетиш даражасига етган анъаналар ва урф-одатларимиз қайта тикланмоқда.

Қорақалпоғ халқининг миллий қиёфасини ёрқин тасвирлаб берган бадий асарларимиз анчагина. Масалан: Туларберган Қайиббергановнинг «Қорақалпоғ достони», Камол Мамбетовнинг «Тўзган эл» асарлари ва бошқалар. Лекин ҳаёда-чи? Бугунги ёшларимиз халқимизнинг миллий анъаналарини ривожлантиришга қандай қарамоқдалар?

Ёшларимиз қадим замонлардагидай узун миллий либослар бўлмаса ҳам, замонавий русумда, миллий беаник ва нақшлар ўлиб тикланган кийимлар кийишса, аёл-қизларимиз соғларини ўриб юришса, шунингдек қиз-йигитлар эифату баэларда айтишулар, миллий куй-қўшиқлар ижро этишса, ўтириш-туришда, салом-алиқда, барча-барчасида миллийликнинг судув кўринишларини сақлаб қолса, қандай ахши бўларди.

Менинча, қўлга киритилган мустақилликни мустақамлашда бунинг аҳамияти катта. Қувонч ХОЛЕКЕЕВ, ўрта мактаб ўқувчиси.

